

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

НАВРЎЗБЕК ШОХНАЗАРОВИЧ РАХИМОВ

**ХОРАЗМ ХАЛҚ ШЎРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ
МУАММОЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАР (1920-2020 ЙИЛЛАР)**

07.00.08. - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD)

Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Наврўзбек Шохназарович Рахимов

Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихини ўрганиш
муаммолари ва ёндашувлар (1920-2020 йиллар).....3

Наврўзбек Шохназарович Рахимов

Подходы и проблемы изучения истории Хорезмской Народной
Советской Республики (1920-2020 годы)25

Navruzbek Shokhnazarovich Rakhimov

Issues and approaches to the study of the history of the Khorezm People’s
Soviet Republic (1920-2020 years)47

Эълон қилинган ишлар рўйхат

Список опубликованных работ
List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc 02/30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

НАВРЎЗБЕК ШОХНАЗАРОВИЧ РАХИМОВ

**ХОРАЗМ ХАЛҚ ШЎРОЛАР ЖУМҲУРИЯТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШ
МУАММОЛАРИ ВА ЁНДАШУВЛАР (1920-2020 ЙИЛЛАР)**

07.00.08. - Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tar718 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fati.uz) ва "ZiyoNET" (www.ziynet.uz) ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нодира Абдуллаевна Мустафаева
тарих фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Бахтияр Эргашевич Эргашев
тарих фанлари доктори, доцент
Шавкат Жумабаевич Саидов
тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил "4" "март" соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй, 110-хона. Тел.: (99871) 233-54-70, (99871) 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: info@fati.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 262-74-58, факс: (99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил "17" феврал куни тарқатилди.

(2022 йил "17" февралдаги 2-рақамли реестр баённомаси)



Азамат Зиё
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, тарих
фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси,
тарих фанлари доктори,
катта илмий ходим

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда юз бераётган шиддатли жараёнлар, турли таҳдид ва хатарлар даврида ҳар бир миллатнинг ўзлигини сақлаб қолиши ва тараққиёт йўлини белгилашда давлатчилик тарихий тажрибасига мурожаат қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг бошларида дунё мамлакатларини икки қисмга ажратиб қўйган совет тузуми остида бўлган халқлар тарихини ўрганишга бугунги куннинг кўплаб сиёсий можаролари ва маънавий-маданий таҳдидларнинг олдини олиши жиҳатидан катта эътибор қаратилмоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий тадқиқот марказларида XX асрнинг биринчи чорагида Марказий Осиёда ташкил этилган давлатлар: Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси, Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти ва Бухоро Халқ Совет Республикаси да кечган жараёнларнинг мазмун-моҳияти, ушбу ҳудудларда содир бўлган қуролли ҳаракатлар тарихини ўрганиш борасида катор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятида “Ёш хиваликлар” томонидан амалга оширилган туб ислохотларнинг натижалари, маҳаллий халқнинг янги давлатга муносабатини баҳолаш, XXШЖ бошқарув тизими ва унинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш каби масалалар ўз ечимини кутмоқда.

Бугунги кунда халқчил ва демократик тамойилларга асосланган Янги Ўзбекистон давлати, эркин фуқаролик жамияти барпо этилаётган бир даврда ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади. Бу эса ўзбек давлатчилик тарихини, айниқса, “XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср боши Ўзбекистон тарихини тизимли ўрганишни ташкил этиш, холисона ёндашув асосида ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, ўтмишни сохталаштирилишига йўл қўймаслик, жаҳоннинг цивилизация ривожланиши билан боғлиқликда Ўзбекистоннинг янги ва энг янги тарихи билан боғлиқ масалаларни ҳар томонлама ва чуқур тадқиқ этиш”ни¹ тақозо қилади. Бу маънода, кўп йиллар давомида Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихига доир яратилган илмий адабиётларни тарихшунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилиш зарурати, хулосалар чиқариш, йўл қўйилган хатолардан сабоқлар олиш ва истикболда ўрганилиши лозим бўлган муаммолар доирасини аниқлаш танланган тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сон “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий

¹Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги 292-сонли “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори <https://lex.uz/docs/3207162?query=давлатчилик%20тарихи>

тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган мурожаатномалари (28.12.2018 ҳамда 29.12.2020 йиллар), шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихи бўйича қарийб юз йил давомида бир қатор илмий изланишлар натижасида монография, рисола ва мақолалар вужудга келди, бироқ бу илмий маҳсулотнинг тарихшунослик таҳлили яхлит кўринишда амалга оширилган эмас. XXШЖ тарихшунослигининг айрим жиҳатларига доир тадқиқотларнинг мавжудлигини қайд қилиш мумкин. Уларни даврий ва мазмунига кўра: 1) совет даври; 2) мустақиллик даври; 3) хорижий тадқиқотлар деб ажратиш мақсадга мувофиқ.

Совет тарихшунослигининг баъзи муаммоларига бағишланган монографияларда Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихига оид ишлар таҳлиliga ўрин ажратилган². Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихига бағишланган монографияларнинг кириш қисмларида³ муаммога доир яратилган адабиётлар шарҳи келтирилади.

XXШЖ совет тарихшунослигига бағишланган махсус мақолалар⁴ ҳам яратилган. Ушбу тадқиқотларда XXШЖ тарихшунослиги бевосита совет тарих фани қадриятлари ва кўрсатмалари асосида таҳлил қилинган.

² Зевелев А.И. Историография советского Туркестана (Историография и источники по истории гражданской войны в Туркестане. – Ташкент: Узбекистан, 1968. – 276 с.; Желтова Г.И. Социалистическое строительство в Узбекистане (20-30-е годы): Историографический очерк. – Ташкент, 1975. – 128 с.; Касымов Ф.Х. Переход народов Средней Азии к социализму, минуя капитализм: Историографический очерк. – Ташкент, 1979. – 168 с.; Шу муаллиф. Минуя капитализм: Советская историография перехода народов Средней Азии к социализму. – М., 1980. – 376 с.

³ Гордиенко А.А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. – Ташкент: Издательство САГУ, 1959. – 197 с.; Ҳамдамов Х. Хива хонлигининг ағдарилиши ва Хоразм Совет Халқ Республикасининг тузилиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960. – 192 б.; Непесов Г. Из истории Хорезмской революции. 1920-1924 гг. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1962. – 364 с.; Билялов Г.М. Культура и просвещение в Хорезмской Народной Советской Республике. – Ташкент: Фан, 1966. – 126 с.; История Бухарской и Хорезмской Народных Советских Республик. – М.: Наука, 1971. – 256 с.; 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г.Хива – г. Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. – Ташкент: Фан, 1972. – 234 с.; Погорельский И.В. История Хивинской революции и Хорезмской Народной Советской Республики 1917 – 1924 гг. – Ленинград: Изд. Ленинградского университета, 1984. – 228 с.; Мухамедбердыев К.Б. История Хорезмской революции. – Ташкент: Фан, 1986. – 231 с. ва б.

⁴ Ланда Л.М. Некоторые аспекты Хорезмской революции 1920 года в советской историографии // ОНУ. – 1970. – №2. – С. 74-78; Шу муаллиф. Советская историография Хорезмской революции 1920 г. // 50 лет Хорезмской народной советской революции. Материалы объединенной научной сессии. г. Хива – г. Ургенч. 3-4 декабря 1970 г. – Ташкент: Фан, 1972. – С. 113-123; Касымов Ф.Х. Некоторые вопросы новейшей историографии народных революций 1920 года в Хорезме и Бухаре // ОНУ. – 1990. – №1. – С. 44-48.

Л.М.Ланданинг мақоласида ХХШЖ тарихига доир яратилган тадқиқотлар совет тарих фани ривожининг 3 босқичида ушбу мавзуни ўрганишда марксча-ленинча концепциянинг шаклланиши ва қарор топиши ёритилган⁵. Тадқиқотлар кўлами ва мазмунининг кенгайиб боришига таъсир кўрсатган омиллар тавсифланган.

Тарихшунос Ф.Ҳ.Қосимовнинг 1990 йилда чоп этилган мақоласи⁶ жамиятдаги “қайта қуриш” жараёни таъсирида тарих фанидаги ўзгаришлар мазмунини акс эттириб, муаллиф Хоразм ва Бухоро шўро жумҳурияти тарихини холис ўрганишда, кечган жараёнлар моҳиятини англашда янги ёндошувлар ва мезонларни ишлаб чиқиш давр талаби эканлигини қайд қилади. Шунингдек муаллиф БХСР ва ХХШЖ тарихига доир яратилган адабиётларда (1970-1980 йиллар назарда тутилган) тарихийлик ва илмийлик тамойилларига риоя қилинмаганлиги, бу янги жумҳуриятлар тараққиёти йўлидаги хатолар, қийинчиликлар, зиддиятлар тўлақонли ёритилмаганлиги ҳақидаги хулосага келади. Мақолада ушбу мавзунинг истиқболда ўрганилиши лозим бўлган жиҳатлари ҳам тақдим қилинади. Бу масалалар мустақиллик даврида тадқиқотчилар изланишлари мавзуси бўлди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик даврида тарих фанида рўй берган туб ўзгаришлар тарихшунослик тадқиқотларини ҳам янги босқичга ўтишида муҳим омил бўлди⁷. Тарихшунослик амалиётида синфийлик ва бир ёклама баҳолардан воз кечилди. Ўзбекистон тарихшунослигида янги мавзулар ўрганилди⁸. Хоразм тарихини ўрганишда тарихшунослик тадқиқотлари муҳим ўрин олди⁹. М.Маткаримов, М.Матниёзов, О.Машарипов тадқиқотларида ХХШЖ тарихини ёритишда ХХШЖ давлат тузилиши ҳамда бошқаруви, Хоразмда ижтимоий ҳаракатлар тарихшунослиги таҳлилини келтирадилар¹⁰.

⁵ Ланда Л.М. Некоторые аспекты хорезмской революции 1920 г. в советской историографии // ОНУ. – 1970. – №2. – С. 74-78.

⁶ Касымов Ф.Х. Некоторые вопросы новейшей историографии народных революций 1920 года в Хорезме и Бухаре // ОНУ. – 1990. – №1. – С. 44-48.

⁷ Алимова Д. История как история, история как наука. Том I. История и историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008. 280 с.; Шу муаллиф. История как история, история как наука. Том III. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Ташкент: Media Land, 2017. 600 с.; Асадова Ш. Ўзбекистонда тарихшунослик тадқиқотлари ҳолати масаласига доир (1991-2000 йй.) // Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари. Тарихшунослик ўқишлари материаллари. I – қисм. Тошкент, 2006. Б.76-84.

⁸ XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани (Тарихшунослик очерклари). I қисм. [Масъул муҳаррир Д. Алимова]. Тошкент: Фан, 1994. 207 б.; II қисм. [Масъул муҳаррир Д. Алимова]. Тошкент: Фан, 1994. 455 б.; Очерки историографии Узбекистана в XX столетии. [Отв. редактор Д. Алимова]. Ташкент: Yangi nashr, 2011. 235 с.; Зиёева Д. Туркистон миллий-озодлик ҳаракати: (Мустабид тузумга қарши 1916 йил ва 1918-1924 йиллардаги халқ кураши тарихшунослиги). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2000. – 176 б.; Шодмонова С. Немис ва турк тарихшунослигида совет мустамаккачилигига қарши кураш масалалари. Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2008. 128 б.; Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. Тошкент: Navro'z, 2014. 334 б.

⁹ Наврузов С. Социально-экономическая и культурная жизнь в Хивинском ханстве в исторической, историко-географической литературе XIX – XX вв.: Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 196 с.; Маткаримова С. Историография Хивинского ханства в период кунградской династии (XIX – начало XXI вв.): Дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2010. – 31 с.; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги тарихий демографик жараёнлар тарихшунослиги // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2008 – №2. – Б. 65-68.

¹⁰ Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. – Урганч, 1993 – 80 б.; Хоразм тарихи. II жилдлик. 2-жилд / Масъул муҳаррир М. Матниёзов. – Урганч: Хоразм, 1997. – 300 б.; Машарипов О. Хоразмнома. Тўртинчи китоб. Хоразм Халқ Республикаси. – Урганч: Хоразм, 2010. - 224 б.; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги тарихий демографик жараёнлар тарихшунослиги // ЎзМУ хабарлари. – Тошкент, 2008 – №2. – Б. 65-68; ва б.

Д.Алимованинг тадқиқотларида ХХШЖ миллий-демократик, ҳуқуқий давлат қурилиши масалалари тарихшунослигини чуқур таҳлил қилинди¹¹.

Н.Тошев Хива хонлиги тарихини ўрганишда А.Болтаев материалларини тизимлаштириб, унинг хизматларини ёритувчи мақоласида ХХШЖ тарихига оид маълумотлар мавжудлигини қайд этади¹².

Тарих фани ривожининг бу босқичида Хоразм ва ХХШЖ хорижий тарихшунослигига оид бир қатор тадқиқотлар амалга оширилди¹³. Муаллифлар хорижда ушбу мавзуга оид чоп этилган ишларни таҳлилида устивор масалалар, мавжуд ёндашув ва баҳоларга эътибор қаратдилар.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида амалга оширилган тарихшунослик тадқиқотлари ХХШЖ тарихшунослиги яхлит манзараси ҳақида тасаввур яратмайди.

Россия, Туркия, Буюк Британия, АҚШ каби хорижий мамлакатлар илмий марказлари тадқиқотлари доирасида XIX аср охири – XX аср илк чорагида Туркистон ўлкаси тарихи мавзуси маълум ўрин тутади. Бу фаолият натижасида нашр этилган ишларда ХХШЖ тарихи¹⁴ айрим ўринларида Хива хонлигининг сўнгги йиллари, ХХШЖнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнлари қиёсий ўрганилиб, ушбу масалалар тарихшунослиги ҳам қисқача шарҳланганини қайд этиш мумкин.

Юқоридаги тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлили ушбу мавзу тарихшунослиги яхлит, тадрижий нуктаи назардан ўрганилмаганлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-132-сонли “Ўзбекистон давлатчилиги тарихи тарихшунослиги: назарияси ва шаклланишининг тарихий босқичлари” номли фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриясида кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларга оид қарашлар, илгари

¹¹ Алимова Д. Историография проблемы построения национально-демократического правового государства в 1917 – 1920 гг. в Туркестане, Бухаре и Хиве / Очерки историографии государственности Узбекистана. Том 1. – Ташкент. – Navro‘z, 2018. – С. 264-291; Шу муаллиф. Отражение системы власти и управления в конституциях Хорезмской республики // O‘zbekiston tarixi. 2020. №1. С. 38-.

¹² Тошев Н. Материалы Абдуллы Балтаева по истории Хивинского ханства: предварительные замечания //Центральная Азия в эпоху средневековья и нового времени: общество, культура, источники. Ташкент-Вена: Академнашр, 2019. С. 76-81.

¹³ Кошанов Б.А. Зарубежная историография истории Туркестана, Хорезма и Бухары периода 1917-1922 г. г.// Вестник Каракалпакского отделения АН Респ. Узбекистан. – Нукус, 1995. – №2. – С. 96-101; Кошанов Б.А., Джумашев А.М. Зарубежная и отечественная историография истории Туркестана, Хорезма и Каракалпакстана в первой четверти XX века. – Нукус: Каракалпакстан, 1997. – 48 с.; Ртвеладзе Э. К зарубежной историографии Хивы //ОНУ. 1997. № 7-8. С. 112-113.

¹⁴ Becker S. Russia’s Protectoras in Central Asia: Bukhara and Khiva (1865-1924). – Cambridge, 1968. – 416 p.; Kayabali İ, Arslanoğlu C. Orta Asya Türklüğünün Tarihi ve Bugünkü Durumu, Ankara, 1978. – S. 165; Валиханова Н.С. Историография национальных движений партий Средней Азии за период 1917-1991 гг.: Дисс. ... док. ист. наук: 07.00.09. – Москва, 2001. – 346 с.; Haugen A.The Establishment of National Republics in Soviet Central Asia. – London, 2003. – 276 p.; Khalid A. Making Uzbekistan: nation, empire, and revolution in the early USSR. – New York: Cornell University Press, 2015. – 402 p.

сурилган ғоя ва ёндашувларнинг ўзгариб боришига таъсир қилган омилларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XXШЖнинг ташкил топиши, мамлакат ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларни замондошлар муносабати орқали очиб бериш;

1920-1924 йилларда XXШЖда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислохотларнинг давр матбуотидаги аксини таҳлил қилиш;

Совет даврида XXШЖ тарихини ўрганишдаги ёндашувларни аниқлаш;
“Қайта қуриш” ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги илмий тадқиқотларда XXШЖда кечган жараёнларнинг ёритилишини таҳлил қилиш;

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар, тадқиқотларнинг асосий йўналишларини кўрсатиш, мавзунини ўрганишда совет ва мустақиллик давридаги ёндашувларни қиёслаш;

XXШЖ тарихини хорижда ўрганилиши ва илмий хулосалар талқини;

XXШЖ тарихшунослиги ҳолати ва муаммоларини аниқлаш, истиқболда ўрганилиши лозим бўлган долзарб масалаларга оид тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриясида кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларга 1920-2020 йиллар адабиётида берилган баҳолар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси тарихига оид 1920-2020 йилларда чоп этилган илмий адабиётлар, ҳужжатлар тўпламлари, хотиралар, мемуарлар ва даврий матбуот нашрлари ташкил этиди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда статистик таҳлил, тарихий-қиёсий, тарихий-типологик, муаммовий-даврий, герменевтик, тизимли таҳлил усулларидан фойланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1920-1924 йилларда Хоразм ҳудудидаги давлат илмий адабиётларда “Хоразм Республикаси”, “Хоразм Халқ Республикаси”, “Хоразм Халқ Совет Республикаси” каби турли номда берилганлиги, аслида расмий ҳужжатлар, “Инқилоб қуёши” рўзномаси, давр адабиёти ва миллий арбобларнинг хотиралари асосида ушбу давлат номини “Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси” деб аташ зарурлиги асосланган;

1930-1950 йиллардаги тадқиқотларда “Ёш хиваликлар” ва миллий зиёлиларни обрўсизлантиришга қаратилганлиги, уларга нисбатан “радикал буржуа-миллатчи” ва “пантуркист” баҳолари қўлланилганлиги исботланган;

1960-1980 йиллар совет тарихшунослигида Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси тарихи хонлик бошқаруvidан “миллий социалистик давлат” тузилишигача бўлган “оралиқ давр” сифатида баҳоланганлиги ва тадқиқотлар ушбу ғояни исботлашга йўналтирилганлиги далилланган;

1991-2020 йилларда яратилган илмий адабиётлар асосида Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси раҳбарияти РСФСР ҳукумати билан дастлаб тенг шартлар остида алоқа олиб боргани, шу билан бирга миллий манфаатларни

химоя қилишга интиланликлари туфайли бошқарувдан четлатилганликлари далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида қўлга киритилган янги маълумотлар ҳамда тарихшунослик таҳлили ХХШЖ тарихининг нисбатан кам ўрганилган ва муаммоли жиҳатлари, шунингдек, қўлланилиши мумкин бўлган назарий-услубий ёндашувлари аниқланган;

1920-1924 йилларда Туркистонда чоп этилган рус тилидаги газеталар, миллий нашрларда эълон қилинган ХХШЖга оид мақолалар, ўлканинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий жараёнларини ўзида акс этган тўпламлар, стенографик ҳисоботлар ҳамда совет ва мустақиллик йилларида яратилган барча турдаги илмий тадқиқотлар тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинди ва илмий истеъмолга киритилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотни амалга оширишда Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланиб келинаётган тарихий адабиётлар, матбуот материаллари, ЎзМА кутубхонасида мавжуд тўплам ва стенографик ҳисоботлар, совет даври адабиётлари, ўрганилаётган мавзуга оид мустақиллик йилларида яратилган асарлар ва илмий тадқиқот ишлари таҳлил қилинганлиги, уларнинг натижалари бўйича илмий анжуманларда қилинган маърузаларда ҳамда илмий журналларда чоп этилган мақолаларда апробациядан ўтганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистоннинг яқин давр давлатчилиги тарихини ўрганишда илмий-назарий, қиёсий таҳлил ва умумлаштириш услубларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари бакалавр талабалари ва махсус йўналишлардаги магистрлар учун “Тарихшунослик” фани ва “Туркистонда мустақил совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тадбирларининг мустамлакачилик моҳияти (1917-1991 йй.)” махсус ўқув курслари бўйича маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтишда ҳамда ўқув қўлланмалари яратишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси тарихининг ўрганилишини тадқиқ қилишда эришилган натижалар асосида:

XX аср биринчи чорагига тааллуқли давлатчилик тарихи, Ёш хивалиқлар вакилларининг Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияси тузилишидаги ўрни ва уларнинг кейинги тақдири, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётига оид илмий хулосаларидан Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарор дастурининг VIII боб “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-

авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга доир тадбирлар” йўналиши доирасида “Жамоат ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар” яъни, “Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажакимизнинг гаровидир”, “Ёшларда тарихий тафаккурни шакллантиришнинг муҳим омили”, “Комил инсонни шаклланишида тарих ва маънавий кадриятларнинг тугган ўрни”, “Миллий ва тарихий онг маънавий кадрият сифатида” ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2020 йил 16 июндаги 02/011-556-сон маълумотномаси). Натижалар Ўзбекистон давлатчилиги тарихида 1920-1924 йилларда мавжуд бўлган Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб беришга хизмат қилган;

Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятига тааллуқли манбаларни ўрганиш орқали Хива хонлигининг тугатилиши, Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятининг ташкил топиши, давлат тузилмаси, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳадаги жараёнларига доир қўлга киритилган янгиликлардан “O‘zbekiston tarixi” телеканалининг “Мавзу” кўрсатуви, “Тарихий савол” ток-шоусини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали давлат унитар корхонасининг 2020 йил 17 сентябрдаги 02-40-864-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий хулосалари ХХШЖнинг қисқа фаолияти давомида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликларини очиб беришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларида 10 та мақола (5 та республика ва 5 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Хоразм Халқ Шўролар Жумҳуриятининг тузилиши ва унинг бошқарув тизимига замондошлар муносабати” деб номланиб, у иккита параграфдан иборат. Ушбу бобда ХХШЖда 1920-1924 йилларда кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар шу давр адабиёти асосида кўриб чиқилган. Шунингдек, хотиралар¹⁵, кундалик¹⁶, ХХШЖ ҳукуматининг норматив-ҳукукий ҳужжатлари¹⁷ ҳам тарихшунослик таҳлилига тортилган.

Ушбу бобда давлатнинг номланиши масаласи, Конституцияси тарихи, ХХШЖда кечган сиёсий жараёнлар унинг иштирокчилари ва гувоҳлари бўлган инсонларнинг хотиралари асосида “*ХХШЖнинг ташиқил топиши, мамлакат ҳаётидаги сиёсий ўзгаришларга замондошлар муносабати*” номли биринчи параграфда ёритилган.

Хусусан, давлатнинг номланиши масаласи ҳам баҳсли, ҳам муаммоли саналади. Кўплаб адабиётларда 1920 йил 27 апрель I Бутунхоразм курултойида эълон қилинган Хоразм Халқ Совет Республикаси номини қўллаш кузатилади. Ушбу масалаларни ўрганган тадқиқотчиларнинг деярли барчаси ушбу давлатнинг номланиши бўйича турлича “Хоразм Халқ Совет Республикаси”, “Хоразм Совет Социалистик Республикаси” ёки “Хоразм Республикаси” номлари қўллаб келинган ва бу ҳолат ҳозиргача давом этмоқда¹⁸. Ҳолбуки, ХХШЖнинг эски ўзбек ёзувида ёзилган биринчи Конституциясида (1920) давлат номи “Хоразм Шўролар Жумҳурияти” деб берилганини таъкидлаш зарур¹⁹. Ўша давр Хоразм матбуотида давлатнинг номи “Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти” деб тилга олинади. Хусусан, Хоразмда 1920 йил 7 мартдан чоп этила бошлаган ҳукумат нашри бўлмиш “Инқилоб куёши” газетасининг 1920 йил 20 август 26-сонида “Яшасун Хоразм Халқ Шўролар

¹⁵ Полвонийёз Ҳожи Юсупов. Ёш хивалиқлар тарихи / Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи М. Матниёзов. – Урганч: Хоразм, 2000. – 488 б.; Жумабой Р. У Ленин билан учрашган эди (Бобоохун Салимов хотиралари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 148 б.

¹⁶ Болтаев А. Хоразм тарихига оид материаллар. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ фонди, инв. № 9320, 44-45-б.; Сафаров Б. Хоразм тарихи. Қўлёзма, ЎзР ФА ШИ фонди, 10231-рақам.

¹⁷ Хоразм Шўролар Жумҳуриятининг Қонуни Асосийси (конституцияси). (1920 сана 30 апрелда Хоразм Халқ вакилларининг Биринчи курултойида қабул қилиниб тасдиқ этилди) – Конституция Хорезмской Советской республики (Принятая и утвержденная I-съездом народных представителей, 30 апреля 1920 г.). Ношири: Халқ Нозирларининг шўроси. – Хива, Типография № войск. 1920 / Ўзбекистон Миллий кутубхонаси / Nodir nashrlar va qo‘lyozmalar bo‘limi. raqami ПЯ У/51 (эски ўзбек ёзувида).

¹⁸ Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. ... – 80 б.; Сапаев Р.Х. История создания и развития Казахско-Каракалпакской автономной области в составе Хорезмской республики (1920-1925 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1999. – 25 с.; Саидов Ш. Внешние отношения и торговые связи Хоразмской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 2003. – 26 с.; Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий ҳаракатлар ва сиёсий партиялар тарихи (1900-1924 йй.): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2005. – 26 б.; Пардаев А. Бухоро ва Хоразмдаги иқтисодий кенгашлар фаолияти (1920-1924 йиллар): Тарих фан. ном. ... дисс. автореф. – Ташкент, 2012. – 25 б.; Мамадаминова Б. Хоразм Халқ Совет Республикасидаги ижтимоий ва иқтисодий муносабатлар (1920-1924 йй.): Тарих фан. фал. док ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 25 б.; Юсупов И. Хоразм воҳасида алоқа тизими тарихи (1873-2018 йй.): Тарих фан. фал. док ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 26 б.

¹⁹ Хоразм Шўролар Жумҳуриятининг Қонуни Асосийси (конституцияси). (1920 сана 30 апрелда Хоразм Халқ вакилларининг Биринчи курултойида қабул қилиниб тасдиқ этилди) – Конституция Хорезмской Советской республики (Принятая и утвержденная I-съездом народных представителей, 30 апреля 1920 г.). Ношири: Халқ Нозирларининг шўроси. – Хива, Типография № войск. 1920 / Ўзбекистон Миллий кутубхонаси / Nodir nashrlar va qo‘lyozmalar bo‘limi. raqami ПЯ У/51 (эски ўзбек ёзувида).

Жумхуриятининг маориф йўл бошлиқлари!” жумласи мавжуд²⁰. Бундан ташқари, ҳафтада бир маротаба чиқадиган ушбу газетанинг ҳар бир сони биринчи бетиде газета сарлавҳаси остида жумхурият номи Х.Х.Ш.Ж. шаклида қисқартирилган ҳолда берилган²¹. Демак, бу давлатнинг номини ўша давр миллий матбуотида ёзилганидек бериш мақсадга мувофиқ.

ХХШЖ моҳиятан анча мураккаб бир сиёсий тузилма сифатида ўзини намоён қилди. ХХШЖнинг пайдо бўлиши ва тарих саҳнасида тушиб кетиши ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар маҳсули – мустабид хонлик тузуми тарафдорлари ва жумхуриятчи жаҳидлар ўртасидаги зиддиятлар, бир ёқадан бош чиқара олмай муҳолифатчиларга айланган тараққийпарварлар ва совет ҳукумати вакиллари орасидаги ўзаро курашлар майдони сифатида тарихда қолди.

Иккинчи параграф “*ХХШЖда 1920 – 1924 йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ислоҳотларнинг давр адабиётида акс этиши*” деб номланади. Мазкур параграфда ХХШЖнинг дастлабки йилларида Хоразм воҳасидаги воқеалар тарихига доир Марказий нашрларда чоп этилган бир қатор мақолалар²², Туркистон АССР матбуоти ва ҳисоботлари материаллари²³ ўрганилган. Ушбу нашрларда асосий эътибор Туркистон ўлкасидаги ҳарбий ҳаракатлар, Хивада инқилоб ғалаба қозонгани, хон ҳокимияти тугатилиб, ўрнида “Ёш хивалиқлар” фирқасининг етакчилари бошчилик қилаётган республика тузилгани, Хоразм воҳасида маҳаллий бошқарув, иқтисодий ҳаёт ва таълим соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар каби масалаларга қаратилган эди.

Даврий матбуот нашрларининг аксарияти рус тилида бўлиб, уларнинг сезиларли қисми Марказ ва Тошкентда чоп этилган, кичик бир қисмигина Хоразм матбуотига тегишлидир. Бу даврда маҳаллий ўзбек, туркман бошқа маҳаллий миллат зиёлиларининг ХХШЖ бўйича чоп этган ишларини ТАССР ва БХСР матбуоти билан солиштирганда уларнинг миқдори анча кам бўлганлиги, бу ҳолат воҳада миллий матбуот анча суст ривожланганлигини кўрсатади.

ХХШЖдаги жараёнлар бутун Туркистон ўлкаси жамоатчилигини ҳам бефарқ қолдирмаганлиги Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва яна бир қатор шаҳарлардаги миллий матбуотда Хоразм воҳасида юз бераётган

²⁰ Инқилоб кўеши. 1920, 20 август, №26.

²¹ Инқилоб кўеши. 1922, 12 июнь, №8; 27 июнь, №9.

²² К Хивинской революции // Жизнь национальностей, газ. 1920, №24; Кашкин К. Наш Юго-Восток. – М., 1920. – 59 с.; Михайлов С. Хивинский фронт // Военная мысль. – 1920. – №1. – С. 249-252; Сафаров Г. Колониальная революция. Опыт Туркестана // Коммунистический интернационал. – 1920. – №14. – С. 2759-2768; Скалов Г. Хива, туркмены и узбеки. Революция и ее перспективы // Коммунистическая мысль. – 1920. – №4-5. – С. 23-25; Хромых К. Созидание фронта революции в Средней Азии. Хорезмская республика // Военная мысль. – 1920. – №1. – С. 283-298; Шер Куглы. Революционное движение в Хиве // Жизнь национальностей. – 1920. – №1. – С. 5-10; Чекалин Н. События в Хорезмской республике (1921 г.) // Военная мысль. – 1921. – №1. – С. 227-229.

²³ Стенографический отчет 9-го Съезда советов Туркеспублики. 17 – 30 сентябрь. – Ташкент, 1920. – 29 с.; Отчет отдела внешних сношений при Всесоюзной центральной избирательной комиссии по делам Туркестана за период 15 ноября 1919 - 15 февраля 1920 г. // ЎзМА, 2-фонд, 1-иш; Экономическое положение Хивы (По данным обследования, произведенного отделением Внешней Торговля в апреле 1920г. // Народное хозяйство Туркестана. – 1920. – №31. – С. 16-19.

ўзгаришлар мунтазам равишда ёритиб борилганида ҳам ўз тасдиғига эга. ХХШЖ ҳаётини Марказдан туриб кузатаётган ёки воҳада фаолият кўрсатаётган большевиклар эса Хоразмда бўлаётган воқеаларни бирёқлама ёритиб, дунё жамоатчилигига гўё ХХШЖ билан Совет ҳукумати тенг шартлар остида иттифоқчилик қилаётгани, Шарқ халқлари орасида ушбу давлат илк мустақил демократик давлат сифатида ўзини намоён қилгани, маҳаллий халққа ўз бошқарувини ўзларига берилганлиги эълон қилиниб, бу ердаги қуролли ҳаракатларни қоралаб кўрсатишга киришилди.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Совет даври тадқиқотларида Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти мавзусининг ёритилиши**” деб номланади. Ушбу бобда ХХШЖ тарихига тааллуқли 1925–1990 йилларда амалга оширилган илмий тадқиқотлар, адабиётлар, даврий кетма-кетликда таҳлил қилинган. Улар асосида ХХШЖнинг ташкил топиш жараёнлари, 1920–1924 йиллар орасида юз берган асосий тарихий воқеалар, Хива хонлигининг сўнгги йилларидаги ижтимоий-сиёсий вазият ва тараққийпарвар кучлар, “Ёш хиваликлар” фирқасининг юзага келиши ва фаолияти, сиёсат ва маданият арбоблари ҳақида муайян маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, бу даврда ХХШЖ ўрганишда бир қанча мутахассислар етишиб чиқди, улар ўз изланишларида қатор манба ва адабиётлар, кундалик матбуот ва архив материалларидан унумли фойдаланганликлари билан алоҳида ажралиб турадилар.

1920 йилларнинг иккинчи ярми 1950 йиллар ўзининг бир қатор жиҳатлари билан совет тарихшунослигининг бошқа даврдан бирмунча фарқланади. Бу давр анча сиёсий ва кескин бўлганлиги билан характерланади. Бу даврнинг дастлабки босқичида ХХШЖ муайян бир сиёсий тузилма сифатида тугатилиб, унинг катта бир қисми Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси, қолган қисмлари эса Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси таркибидаги Қорақалпоқ Автоном области таркибига киритилиши натижасида ижтимоий-сиёсий ва маданий-иқтисодий ҳаётда бирмунча ўзгаришлар юз беради.

1920-йилларнинг иккинчи ярми – 1930-йиллар давомида, асосан, матбуотда ушбу мавзу қатор мақола ва хабарлар орқали ёритиб борилди²⁴. Уларнинг бир қисмида асосий эътибор ТАССР, ХХШЖ ва БХСРдаги сўнгги ўзгаришлар, хусусан, миллий озодлик ҳаракатлари, большевикларга қарши қуролли ҳаракатларга бағишланган бўлиб, даврий матбуотда ушбу ҳаракатга нисбатан “босмачилик” ёрлиғи ёпиштирилган ҳолда маҳаллий аҳоли орасида

²⁴ Виткинд Н. Материалы к библиографии истории гражданской войны на Советском Востоке. – М., 1934. – С. 58-71; Виткинд Н. Я., Сюнчелей С. А. Литература по нацразмежеванию среднеазиатских республик // Революционный Восток. – 1934. – №6. – С. 234-243; Козлов Т. Гражданская война в Туркмении. Ч.1. Возникновение Закаспийского фронта. – Ашхабад – Чарджуй, 1934. – С.54-95; Сост. А. Майер. М. Боевые эпизоды. Басмачество в Фергане и Хорезме. – Ташкент: САОГИЗ, 1934. – С. 88; Среднеазиатский музей Красной армии // Борьба классов. – 1934. – №2. – С. 117; Хорезмская Народная Республика (Историческая справка) // Большая Советская энциклопедия. Т. 60. – М., 1934. – С. 96; Александрова В. Материалы для указателя среднеазиатских периодических изданий на русском языке за 1917-1934 гг. // Труды государственной Публичной Библиотеки УзССР. Т. 1. – Ташкент, 1935. – С. 157-241; Игнатов В. Каракалпакия на социалистическом пути // Революционный Восток. – 1935. – №2. – С. 71-95.

уларга нисбатан салбий қарашларни шакллантириш ғояси устуворлик қилгани сезилади.

20-йилларнинг охирида Туркменистон ССРда чоп этилган қатор мақола ва хабарларда ХХШЖ билан боғлиқ материаллар ҳам ўрин ола бошлайди²⁵. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, ўша даврда Туркменистон ССРда миллий зиёлилар асосан пойтахт Ашхобод ва республиканинг асосий йирик шаҳарлари бўлмиш Чоржуй ва Кўхна Урганчда фаолият юритиб, миллий туркман матбуоти эндигина шаклланиб келаётган эди.

Шунингдек, 1939–1945 йилларда юз берган Иккинчи жаҳон уруши мамлакат ҳаёти ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек, илм-фан, шу жумладан, тарих фани ривожига ўз таъсирини кўрсатиб, бу соҳаларнинг бир муддат турғунлашувиға ёки тўхтаб қолишиға олиб келди.

1950-йилларға келиб ХХШЖ тарихи бўйича махсус илмий тадқиқотлар яратила бошланди. Улар орасида М.Абдуллаев, Г.Непесовларнинг изланишлари²⁶ алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, М.Абдуллаевнинг ХХШЖ тарихиға бағишланган номзодлик иши Ўзбекистон тарихшунослигида бу мавзунини ўрганишға муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Шу билан биргаликда, унинг тадқиқотларида ХХШЖнинг ташкил топиши “улуғ рус халқининг ҳар томонлама ёрдами, большевикларнинг доно раҳбариятининг оқилона сиёсати” туфайли юз бергани ва қисқа муддат ичида бу давлат социализм қуриш йўлида дадил қадам ташлагани²⁷ бир неча бор уқтириб ўтилади. Бу давр тадқиқотлари илк илмий изланишлар бўлгани ва масалани изчил ёритилгани, шунингдек, муҳим манба вазифасини бажаришини айтиб ўтиш даркор.

1960-йилларда ХХШЖ тарихи бўйича бир қатор илмий монографиялар нашр қилиниши билан бирга диссертация тадқиқотлари ҳам амалға оширилди. Улар орасида У.Тўхтахонов, А.Сатликов, К.Абдуллаевларнинг илмий ишлари²⁸ алоҳида қимматға эга. К.Раҳмонов, О.Содиқов, Г.М.Билалов, И.А.Алимов, М.Н. Мамаджонов ва яна бир қатор совет даври тадқиқотчилари Хивада амалға оширилган воқеаларни совет давлати фойдасиға тушунтиришға ҳаракат қилишган²⁹. Г.М.Билаловнинг тадқиқотиға Хоразм мадания

²⁵ Рафес П. Некоторые данные о туркменах мейли (мехилли) // Новый Восток. – М., 1927. – № 19. – С. 261-262; Туманович О. Туркменистан и туркмены (Материалы к изучению истории и этнографии). – Ашхабад – Полторацк: Туркменское гос. изд., 1926. – 102 с.

²⁶ Абдуллаев М. Образование Хорезмской Народной Советской Республики и основные этапы ее развития (1920–1924): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1950. – 16 с.; Непесов Г. Победа Советского строя в Северном Туркменистане (1917-1936 гг.). – Ашхабад: Туркменгосиздат, 1950. – 158 с.

²⁷ Абдуллаев М. Образование Хорезмской Народной Советской Республики и основные этапы ее развития (1920–1924). ... – С. 14.

²⁸ Тохтаханов У. Взаимоотношения РСФСР и Хорезмской Народной Советской Республики. 1917-1921 гг.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1961. – 18 с.; Шу муаллиф. Развитие народного хозяйства Хорезма – торжество ленинской национальной политики // Труды Среднеаз. политехн. института. Новая серия. Вып. 16. Труды кафедры истории КПСС. Вып. 2. – Ташкент, 1960. – С.116-125; Шу муаллиф. Совет-Хива муносабати ва унинг ривожланиши. 1917-1920 йиллар. – Тошкент: Қизил Ўзбекистон, Правда Востока ва Ўзбекистони Сурх нашриёти, 1960. – 49 б.; Сатликов А. Из истории развития ирригации в Хорезме (1920-1941 г. г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1967. – 29 с.; Абдуллаев К. Комсомол и молодежь Хорезма в борьбе за укрепление Советской власти в 1920-1924 годах: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1969.

²⁹ Содиқов О. Хива халқ революциясининг ғалабаси. – Тошкент: Фан, 1967. – Б. 34; Раҳмонов К. Хива – Хоразм халқ революциясининг бешиги. – Тошкент: Фан, 1970. – Б. 16.; Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в ХНСР. 1920 – 1924 гг. – Ташкент, 1966. – 126 с.; Алимов И. Аграрные преобразования в

инкилобини ўрганишга қаратилган дастлабки изланишлардан бири деб баҳо бериш мумкин³⁰. Тадқиқотда ХХШЖ даврида таълим соҳасида амалга оширилган ўзгаришларнинг устувор томонлари кўрсатиб берилди.

1970 йилда Хоразм инкилобининг 50 йиллиги нишонланиши муносабати билан бир қатор илмий ишлар нашр қилинди. Айниқса, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” илмий журналининг 2-сони махсус ХХШЖ тарихини ёритувчи мақолаларга бағишланди³¹.

1976 йилда рус тилида «История Хорезмской Народной Советской Республики» номли ҳужжатлар тўплами чоп этилиб, унда Ўзбекистон ва Туркменистон ССР, Республика ва вилоят архивларидаги материаллар жамланди³².

1980-йиллар ХХШЖ тарихи бўйича бир қатор тадқиқотлар нашр юзини кўрди³³. Шу йилнинг 29–30 май кунлари Урганч шаҳрида Хоразм инкилобининг 60 йиллигига бағишлаб илмий-назарий конференция бўлиб ўтади. Ушбу анжуманда Хоразм вилояти ҳокимияти ва республикадаги ижтимоий фанлар йўналишидаги бир қатор институтлар, шу жумладан, Ўзбекистон ФА Тарих институти олимлари қатнашадилар³⁴. Ҳ.Т.Турсунов, А.С.Содиқов, К.Б.Мухаммадбердиев, Н.Қаландаров, М.К.Нурмухамедов ва бошқа олимлар ўз маърузалари билан иштирок этиб, бу инкилобнинг ўзбек, қорақалпоқ ва туркман халқлари тарихида катта роль ўйнаганини эътироф этганлар³⁵.

Бу йилларда И.А.Алимов томонидан ХХШЖ ва БХСРнинг аграр тарихига бағишланган докторлик ишининг ҳимоя қилиниши диққатга сазовордир³⁶. К.Б.Мухаммадбердиевнинг монографияси ХХШЖ тарихини кенг ёритганлиги билан алоҳида ажралиб туради³⁷. У ўз тадқиқотида 1924 йилда Хоразмнинг чегараланиш жараёнига тортилишига ўзбеклардан ташқари туркманлар ва қорақалпоқлар ўртасида ҳам қарши чиқувчилар кўп бўлганини илмий асослайди³⁸.

1985-1991 йиллардаги “қайта қуриш” сиёсати йилларида воқеликларга объектив ёндашишга анчагина шароит яратилди. Бунинг натижасида ХХШЖ

народных советских республиках Хорезма и Бухары. 1920-1924 гг. – Ташкент, 1970. – 78 с.; Мамаджанов М.Н. Социально-экономические преобразования экономики Хорезмской Народной Советской Республики. – Ташкент, 1974. – 153 с.

³⁰ Билялов Г.М. Из истории культуры и просвещения в ХНСР. 1920 – 1924 гг. – Ташкент, 1966. – 126 с.

³¹ Общественные науки в Узбекистане. 1970. №2.

³² История Хорезмской Народной Советской Республики (1920–1924 гг.). Сборник документов. – Ташкент: Узбекистан, 1976. – 374 с.

³³ Кучкарова С. Из истории преподавания иностранных языков в школах Хорезма (1920-1974): Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Ташкент, 1980. – 18 с.; Эшонов О.Э. Шарқдаги биринчи халқ демократик давлатлар (Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикалари 60 йиллигига). – Ташкент: УзССР Билим жамияти, 1980; Сатликов А. История развития ирригации в Хорезме (1920-1941 гг.) – Ташкент, 1980.

³⁴ Жураев М. Научно-теоретическая конференция, посвященная 60-летию народной советской революции в Хорезме // ОНУ. – 1988. – №7. – С. 50-52.

³⁵ Жураев М. Научно-теоретическая конференция, посвященная 60-летию народной советской революции в Хорезме ... - С. 51-52.

³⁶ Алимов И.А. Исторический опыт аграрных преобразований в Хорезмской и Бухарской народных советских республиках.: Автореф. дисс. ... док. ист. наук. – Ташкент. – 1981. – 23 с.

³⁷ Мухаммадбердыев К.Б. История Хорезмской революции. – Ташкент: Фан, 1986. – 231 с.

³⁸ Мухаммадбердыев К.Б. История Хорезмской революции ... – С. 226;

тарихини у ёки бу даражада ёритувчи бир қанча илмий ва илмий-оммабоп мақолалар нашр юзини кўриб, уларда бир вақтлар қораланиб келган шахслар фаолияти, қатағон йиллари қурбонларига айланган хоразмлик зиёлилар, марказ ва ХХШЖ орасидаги муносабатларнинг кўп йиллар давомида халқдан яшириб келинаётган жиҳатлари, Хоразм воҳасида совет кўшинлари томонидан амалга оширилган ҳарбий амалиётлар, жамоа хўжалиklarининг барпо этилиши ва анъанавий хўжалик турларининг инқирози, маҳаллий ҳунармандчиликка советлар муносабати ва бошқалар ёритилди³⁹. Жумладан, С.Н.Климов, Б.Кошанов ва М.Сейтназаровларнинг ишларида совет давридаги муносабатдан фарқланувчи ёндашувлар кўзга ташланади⁴⁰.

Мустақиллик арафасида миллий ўзликни англаш ва мустақилликка интилиш кайфияти кучайиши натижасида ХХШЖ тарихини ёритишга янада қизиқиш ортди. Р.Жуманиёзов, Е.А.Прилуцкий, В.Германов, Н.Содиқова, О.Султонов, П.Шермухаммедов ва яна бир қатор тарихчи, адабиётшунос ва бошқа ижтимоий соҳа мутахассислари томонидан бу мавзуда кўплаб мақолалар чоп этилди⁴¹.

Қайд этиш лозим, ХХШЖ совет даври тарихшунослигининг ўзига хос ютуқ ва камчиликлари мавжуд. Бу давр тарихшунослиги, аввало, бир томондан ўзининг бой тарихий материаллари билан ажралиб турса, иккинчи томондан ўз даври сиёсий мафкурасидан келиб чиқиб, синфий ёндашув, бирёқлама фикрлаш, ўтмишни қоралаш ва ўз даврини мадҳ қилиш, тарихий шахсларни “байналминал” ва “миллатчилар”га ажратиш, миллий зиёлиларга “буржуазия вакиллари” ва ҳоказо каби ёрликлар ёпиштирган ҳолда тушунтирганликлари кўзга ташланади.

Диссертациянинг учинчи боби **“1991-2020 йилларда Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти тарихининг ўрганилиши”** деб номланади. Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби, ижтимоий фанлар, хусусан, тарих фанида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Бу даврда коммунистик мафкуравий қарашлардан, хусусан, синфийлик нуқтаи назаридан ёндашишдан воз кечилиб, тарихий воқеаларни ҳаққоний ёритиш, тарихий шахсларнинг ўрнини тўғри баҳолаш тамойиллари қарор топди.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида мустақиллик йилларида ХХШЖда кечган сиёсий жараёнларга тарихчилар томонидан билдирилган муносабатлар ва талқинлар кўриб чиқилган. Тадқиқотларнинг кўпчилигида воҳадаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти, уларнинг мақсади, умуман олганда,

³⁹ Германов В. Меморандум для Ленина // Диалог. – 1991. – №4. – С. 43-48.

⁴⁰ Климов С.Н. К истории военного строительства в ХНСР и БНСР // ОНУ. – 1987. – №2. – С. 43-47; Кошанов Б., Сейтназаров М. Революция? Вторжение? События в Хивинском ханстве (1918-1920 гг.). – Нукус: Билим, 1997.

⁴¹ Джуманиязов Р. Хорезм. Краткий очерк политической и социального-экономической истории. 1920-1990 г.г. – Ургенч: Изд-во «Фан», 1991. – 167 с.; Прилуцкий Е.А. Национально-государственное строительство в Туркестане, 1918-1920 г.г.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1991. – 24 с.; Германов В.А. Григорий Исаакович Бройдо // Революцией призванные биографические очерки. Вып. Второй. – Ташкент, 1991. – С. 61-83; Ўша муаллиф. Меморандум для Ленина // Диалог. – 1991. – №4. – С. 43-48; Ўша муаллиф. Новый документ по истории Советского Туркестана начала 20-годов // ОНУ. – 1991. – №4. – С. 41-48; Содиқова Н. Ўғирланган миллий бойлигимиз // Фан ва турмуш. – 1991. – № 9. – Б. 20-21; Шермухаммедов П. Тарихнинг бир сабоғи. Хивада Совет ҳокимияти ўрнатилиши ҳақида // Мулоқот. – 1991. – №9. – 77 б.

мафкуравий қарашлари кўпроқ Туркистон ўлкаси доирасида ўрганилган бўлиб, айрим ўринларда Хоразмда юз берган жараёнларнинг Бухоро Халқ Совет Республикаси (1920-1924) билан солиштирилган ҳолда ёритилган⁴². Шунингдек, бу даврда “Ёш хиваликлар” ҳаракатининг айнан қандай омиллар остида ўртага чиққани, ички ва ташқи таъсирлар, жаҳондаги мафкуравий ўзгаришларнинг, хусусан, Россия, Туркия, Эрон ва бошқа Шарқ давлатларида юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг Хоразм воҳасида қандай йўллар билан ўз ифодасини топгани каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

Бу йилларда ХХШЖ тарихи бўйича Қорақалпоғистонда муҳим тадқиқотлар амалга оширилди. Қорақалпоқ ўлкаси Хоразм Халқ Шўролар Жумҳурияти таркибида бўлган пайтида кечган ижтимоий, сиёсий ва маданий жараёнлар масаласи ёритилган ушбу тадқиқотларда “Ёш хиваликлар” фаолиятига ҳам анчагина эътибор қаратилган. Хусусан, К.А.Палуанниязов, Л.М.Ахунжанов, Б.А.Кошанов, С.У.Нуржанов, Ш.Бабашев, К.Сарибаев, Р.Сапаев каби қорақалпоғистонлик тарихчилар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда мавзуга янгича ёндашилди ва ҳолис ҳулосалар тақдим қилинди⁴³.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида ХХШЖ тарихини нафақат ёзма манба ва архив материаллари негизида, балки 1920-йилларда юз берган сиёсий воқеликларга тўғридан-тўғри гувоҳ бўлган шахслардан оғзаки материаллар йиғиш орқали ҳам изланишлар олиб боргани кўзга ташланади. Улар орасида Б.Қошчанов⁴⁴, М.А.Қарлибаев⁴⁵, Р.Х.Сапаев⁴⁶, Ш.Саидов⁴⁷,

⁴² Тошқулов Ж. Ёш хиваликлар сиёсий қарашларининг тадрижий ривожланиши // Халқ ва демократия. – 1992. – №3-4. – Б. 55-61; Ҳамидхўжаев А. Ўзбекистон сиёсий тарихини ўқитишда ёш хиваликлар ҳақидаги материаллардан фойдаланиш методикаси // Ўзбекистон сиёсий тарихини ўқитишнинг муҳим муаммолари. Конференция материаллари. – Тошкент, 1992. – Б. 18-20; Абдуллаев К. Ёш хиваликлар // Хива. – 1993. – №2-3. – Б. 10-12; Маткаримов М.М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. ... – Б 79; Кошанов Б.А. Право вторжение (неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919-1920 гг.). – Нукус, 1993. – 137 с.

⁴³ Палуанниязов К.А. Истоки рождения Республики Каракалпакистан. Часть 1. Левобережная Каракалпакия в 1917-1924 г.г. – Нукус, – 1992. – 20 с.; Ахунджанов Л.М. Становление и развитие национальной государственности в Каракалпакистане: Автореф. дисс. ... док. юрид. наук. – Ташкент, 1993. – 28 с.; Кошанов Б.А. Право вторжение (неизвестные страницы истории Каракалпакии и Хорезма в 1919 – 1920 гг.). – Нукус, 1993. – 137 с.; Шу муаллиф. Большевики в Туркестане, 1917-1922 гг.: доктрина и реальность: Автореф. дисс ... док. ист. наук. – М., 1995 – 28 с.; Нуржанов С.У. Каракалпакская автономная область: история и источники (1925-1932 г.г.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Нукус, 1998. – 28 с.; Бабашев Ш. Образование Каракалпакской автономной области // История каракалпакского народа. 1917-1932 г.г. – Нукус, 1996. – 66 с.; Сарыбаев К. Чор Россияси истибдодига қарши олиб борилган миллий озодлик курашида Хива шаҳри ва Қорақалпоғистоннинг ўрни ҳамда роли (1870-1917 йиллар) // Инсониятнинг илмий ва маданий мероси – учинчи минг йилликка. Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро симпозиум тезислари. 1997 йил 18-20 октябрь. Бухоро-Хива. – Тошкент, 1997. – Б. 272-273; Сапаев Р. Из истории народного хозяйства Казакско-Каракалпакской автономной области Хорезмской НСР // Вестник Каракалпакского отделения АН Республики Узбекистан. – Нукус, 1998. – № 2-3. – С. 132-134.

